

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН
АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

2023-9/3

**Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издается с 2006 года**

Хива-2023

Бош муҳаррир:

Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Ҳасанов Шодлик Бекнўлатович, к.ф.н., к.и.х.

Таҳрир хайати:

Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.
Абдуллаева Муборак Махмусовна, б.ф.д., проф.
Абдуҳалимов Баҳром Абдурахимович, т.ф.д., проф.
Агзамова Гулчехра Азизовна, т.ф.д., проф.
Аимбетов Нагмет Каллиевич, и.ф.д., акад.
Аметов Якуб Идрисович, д.б.н., проф.
Бабаджанов Хушнот, ф.ф.н., проф.
Бекчанов Даврон Жуманазарович, к.ф.д.
Буриев Хасан Чутбаевич, б.ф.д., проф.
Ганджаева Лола Атаназаровна, б.ф.д., к.и.х.
Давлетов Санжар Ражабович, тар.ф.д.
Дурдиева Гавҳар Салаевна, арх.ф.д.
Ибрагимов Бахтиёр Тўлаганович, к.ф.д., акад.
Исмаилов Исҳақжон Отабаевич, ф.ф.н., доц.
Жуманиёзов Зоҳид Отабоевич, ф.ф.н., доц.
Жуманов Мурат Арепбаевич, д.б.н., проф.
Кадирова Шахноза Абдухалиловна, к.ф.д., проф.
Каримов Улугбек Темирбаевич, DSc
Курбанова Саида Бекчановна, ф.ф.н., доц.
Кутлиев Учқун Отобоевич, ф-м.ф.д.
Ламерс Жон, қ/х.ф.д., проф.
Майкл С. Энжел, б.ф.д., проф.
Махмудов Рауфжон Баходирович, ф.ф.д., к.и.х.
Мирзаев Сирожиддин Зайниевич, ф-м.ф.д., проф.
Мирзаева Гулнара Саидарифовна, б.ф.д.

Пазилов Абдуваеит, б.ф.д., проф.
Раззақова Сурайё Раззоқовна, к.ф.ф.д., доц.
Рахимов Раҳим Атажанович, т.ф.д., проф.
Рахимов Матназар Шомуротович, б.ф.д., проф.
Рўзметов Бахтияр, и.ф.д., проф.
Садуллаев Азимбой, ф-м.ф.д., акад.
Салаев Санъатбек Комилович, и.ф.д., проф.
Сапарбаева Гуландам Машириповна, ф.ф.ф.д.
Сапаров Каландар Абдуллаевич, б.ф.д., проф.
Сафаров Алишер Каримджанович, б.ф.д., доц.
Сирожов Ойбек Очилович, с.ф.д., проф.
Сотилов Гойипназар, қ/х.ф.д., проф.
Тожибаев Комилжон Шаробитдинович, б.ф.д., академик
Холлиев Аскар Эргашевич, б.ф.д., проф.
Холматов Бахтиёр Рустамович, б.ф.д.
Чўпонов Отаназар Отожонович, ф.ф.д., доц.
Шакарбоев Эркин Бердикулович, б.ф.д., проф.
Эрматова Жамила Исмаиловна, ф.ф.н., доц.
Эшчанов Рузумбой Абдуллаевич, б.ф.д., доц.
Ўразбоев Ғайрат Ўразалиевич, ф-м.ф.д.
Ўрозбоев Абдулла Дурдиевич, ф.ф.д.
Ҳажиева Мақсуда Султоновна, фал.ф.д.
Ҳасанов Шодлик Бекнўлатович, к.ф.н., к.и.х.
Худайбергана Дурдона Сидиқовна, ф.ф.д.

Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал.-№9/3 (106), Хоразм Маъмун академияси, 2023 й. – 145 б. – Босма нашрнинг электрон варианты - <http://mamun.uz/uz/page/56>

ISSN 2091-573 X

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси минтақавий бўлими – Хоразм Маъмун академияси

МУНДАРИЖА
ТАРИХ ФАНЛАРИ

| | |
|--|----|
| Abdullayev J.R. Xorazm Radio teleuzatish markazi (RTUM)ning paydo bo'lishi va shakllanish tarixi, shuningdek ilk raxbar kadrlar tarixiga bir nazar | 5 |
| Boltaeva M.J. 1991-2000 yillarda Jizzax viloyatida xorijiy investitsion muhitning tarixiy qiyoslovi | 8 |
| Erqo'ziyev A., Abdullayev Z. Kokaldosh Madrasah | 11 |
| G'affarov M.Q. Oqchadaryo havzasi va Quyi Zarafshon hududida neolit davri urug' jamoalarida kechgan etnik jarayonlar tarixi sahifalariga doir ba'zi bir mulohazalar | 14 |
| Hayitov Sh.A., Fayziyeva F.I. Buxoro amirligidagi rus shahar manzilgohlarining tasnifi: tarixiy tahlil | 17 |
| Nurmuhamedov S.A. "Tarix al-yaminiy" asarida Xorazm | 22 |
| Mo'minov N.B. Temuriylar va Shayboniylar | 24 |
| Otamuradova R.O. XX asrning 90- yillariga qadar Xorazm tarixiy-madaniy merosiga munosabat | 27 |
| Qalandarova M.J. Istiqlolchilik harakatining vujudga kelishi: Shermuhammadbek qo'rboshi | 32 |
| Radjabov O.A. Qozog'iston temir yo'l tarmoqlarining zamonaviy holati | 35 |
| Sattorov U.A. XX asrning boshlaridan ikkinchi jahon urushigacha bo'lgan davrda O'zbekistonda yoqilg'i-energetika sanoatining shakllanishi | 37 |
| Toshov K.T. Ikkinchi jahon urushi yillarida Surxondaryo viloyatidagi maktab, ta'lim-tarbiya va madaniy hayotdagi muammolar | 40 |
| Turdixo'jayeva M. Chust madaniyati tarixiga bag'ishlangan arxeologik tadqiqotlar | 43 |
| Xolbekova M.U. Qatag'on qurbonlari – vatan fidoyilari | 47 |
| Абдуазимов Д.Б. Ўзбекистонда давлатчилик ва давлат бошқаруви тарихининг тарихшунослиги | 49 |
| Бабожонов Д.К. Хоразм ёғоч ўймакорлик мактаби | 53 |
| Бўтаев Ж. XIX аср иккинчи ярми–XX аср бошларида Самарқанд вилоятида санитария хизмати ва эмлаш тадбирлари | 57 |
| Вохидов Ф.Р. Ўзбекистонда ҳарбий кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ислохотларнинг зарурияти ва аҳамияти | 61 |
| Исаев Й. "Адабул муфрад" нинг нодир қўлёзма нусхалари | 65 |
| Исмоилов Б.Х. Юсуф Саккокийнинг "Мифтоҳу-л-улум" асарининг қўлёзма нусхалари тавсифи | 68 |
| Мадреймов Е.Д. Роль машинно-тракторных станций в сельском хозяйстве Каракалпакстана в 1946-1950 годы | 70 |
| Матякубов Ш.С. Хива хонлигининг XVI-XVIII-асрлардаги Россия давлати билан дипломатик ва савдо муносабатларида хунармандчилик маҳсулотларининг аҳамияти ва ўрни | 74 |
| Мустафоев Ж.А. Навоий областида "Пахта иши" катағони: савдо ходимларининг исканжага олиниши ва унинг салбий оқибатлари | 78 |
| Очилов А.Т. Қуйи Зарафшон воҳасининг антик ва илк ўрта асрлар даври антропоген ландшафти | 81 |
| Панжиев А.Ў. Усмон Юсуповнинг иккинчи жаҳон уруши йилларидаги сиёсий фаолияти | 84 |
| Саидбобоева Г. XX асрнинг 80-йилларида Тошкент политехника институтида энергетик кадрлар тайёрлаш масаласи | 87 |
| Салаев Д.Ж. Фуқаролик жамияти институтлари шаклланишининг тарихий-сиёсий босқичлари ва Ўзбекистонда ННТлар ривожини | 90 |
| Саминов Э. Дерадикализация – жаҳон ҳамжамияти олдида турган долзарб муаммо | 93 |
| Сидикова М.Х. Қадимий ва илк ўрта асрларда Самарқанд шахрининг анъанавий ривожланиш тарихи | 96 |

ходимлари кабинетига олиб кириб, “сен пора олгансан” деб айблаб 12 йилга қаматиб юборди. Ҳақиқатда Қурбонов Халим мендан пора сўраган ҳам, олган ҳам эмас, аксинча магазиндан қайтган товарларни бошқа магазинларга тарқатишга ёрдам берган эди дея ҳақиқатни тан олиб[13], ушбу иш гдлянчилар томонидан уларнинг гумаштаси С.Абдурахмонов томонидан уюштирилганлигини рўйи рост очиб ташлайди.

Юқоридан чизилган схема бўйича олиб борилаётган бу тизимли ишлар шунчалар қудратли эдики, бир хат билан энди Қурбоновнинг тақдирини ўзгартириб бўлмас, ғишт қолипдан кўчган эди. Бу вақтда Х.Шарапованинг бу хатига инобатга олиб, Қурбоновни ҳимоя қиладиган мард топилмас эди. Бу хатдан хабар топган гдлянчилар зудлик билан Шараповага тайзиқ ўтказишиб, хатига нисбатан раддия беришига эришадилар.

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда Марказ ташаббуси билан Ўзбекистонда амалга оширилган қатағон сиёсати барча соҳалар қатори савдо тизимида фаолият юритаётган малакали мутахассисларни ўз исканжасига олиб, катта миқдордаги ўғрилиқ, товламачилиқ, порахўрлик каби сохта айбловларни қўйиб, ноқонуний тарзда тергов олиб борди. Оқибатда айбланувчилар ҳам жисмоний, ҳам руҳий азобларга дучор бўлишди. Бундан ташқари уларнинг оила аъзолари, яқинлари ҳам тергов жараёнига тортилиб, азоб уқубатларга гирифтор қилишди. Ўтган асрнинг 80-йилларида советлар томонидан ўтказилган қатағон сиёсати ўзбек халқининг калбида ўчмас бир жароҳат бўлиб қолди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Раззоков Ф. Шароф Рашидов: ҳаёт ва мамот - Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2020. – Б.452
2. ЎзМА, Р.фонд- 2454, 6-рўйхат, 6480-иш, 8-варак
3. ЎзМА, Р.фонд- 1714, 10-рўйхат, 3746-иш, 52-варак
4. “Савдодаги суиистеъмолчиликни йўқотиб, тартиб ўрнатайлик” //Дўстлик байроғи, 1986 йил 27 июнь
5. Солиев С. Умр савдоси:Воқеий қисса.-Т.: Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992.-Б.110
6. Ковалев А. Палахмондан отилган ўк.//Қишлоқ ҳақиқати, 1988 йил 29 апрель; «Давайте устраним торговые злоупотребления и наведем порядок»//Знамя дружбы, 10 июня 1987
7. Навоий вилоят суди жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судларининг идоравий архиви. 23026-рақамли жиноят иши.1 том. 127-варак.
8. Ж.Мустафоевнинг Кармана шаҳрида яшовчи Садриддин Зайниддинов билан суҳбатдан олинган.10.09.2022 йил
9. Ж.Мустафоевнинг Кармана туманида яшовчи Саъдулло Шаропов билан суҳбатидан олинган. 6.09.2022

УЎК 904

ҚУЙИ ЗАРАФШОН ВОҲАСИНИНГ АНТИК ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ АНТРОПОГЕН ЛАНДШАФТИ (археологик таҳлил)

А.Т.Очилов, доц., PhD, Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Ушбу мақолада Бухоро воҳасининг антин ва илк ўрта асрлар даврига доир археологик ёдгорликларда олиб борилган тадқиқотлар таснифига доир қисқача фикрлар илмий адабиётларда келтирилган маълумотлар ва муаллифнинг шахсий тадқиқотлари юзасидан таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Бухоро воҳаси, антик даври, илк ўрта асрлар даври, археологик тадқиқотлар, моддий маданият.

Аннотация. В данной статье анализируются краткие мысли о классификации исследований, проведенных в археологических памятниках Бухарского оазиса от Антина и раннего Средневековья на основе сведений, представленных в научной литературе, и личных исследований автора.

Ключевые слова: Бухарский оазис, древность, раннее средневековье, археологические исследования, материальная культура.

Abstract. In this article, brief thoughts on the classification of the research conducted in the archeological monuments of the Bukhara oasis from Antin and the early Middle Ages are analyzed based on the information presented in the scientific literature and the author's personal research.

Key words: Bukhara oasis, antiquity, early medieval period, archaeological research, material culture.

Кириш. Моддий-маданият ашёлар Бухоро воҳасида антик ва илк ўрта аср даврида тарихий жараёнлар бир қанча шиддатли кечганини кўрсатади. Воҳа шу даврдан бошлаб Ўрта Осиёдаги йирик тарихий-маданий ўлкалардан бирига айланиб, умумбашарият маданиятига кўшган муносиб ҳиссаси туфайли жаҳон тарихида ўчмас из қолдира бошлади. Бухоро воҳасида илк ўрта асрлар даври археологияси масаласини биринчи марта тадқиқотчи Л.А.Зимин томонидан кўтарилган. Л.А.Зиминнинг илк ўрта асрлар даврини умумий тарзда таърифлаб бера олди. Шу билан бирга ушбу даврлаштириш айрим камчиликлардан ҳоли эмас, булар қаторига материаллар камчилиги оқибатида вужудга келган схематизмни келтириб ўтиш мумкин. Шунга қарамай у Бухоро воҳасининг тарихида биринчи бор илк ўрта асрлар комплексини алоҳида кўрсатиб уни ўрганишни бошлаб берди[3].

Бухоро воҳасининг тадқиқотчилари Якубовский [4], В.А.Шишкин [5] каби тадқиқотчилар илк ўрта асрлар маданияти тарихини таърифлаб берди. Куйи Зарафшоннинг сунъий суғорилишини ўрганган Мохандарё археологик экспедициялари текширувлари натижасида Я.Ғ.Ғуломов ва А.Р.Муҳаммаджоновлар томонидан ҳам воҳанинг илк ўрта асрлар даври археологияси ҳақида кўплаб маълумотлар берилган.

Асосий қисм. Бухоро тарихининг энг долзарб муаммолардан бири археологик манбалар асосида тарихий жараёнларни тиклаш хусусиятлари ҳануз ечилмаган муаммолар сирасига киради. Айниқса, Бухоро воҳасининг антик ва илк ўрта асрлар даври тарихини ўрганиш ва у билан боғлиқ бўлган даврлаштириш масалалари кўпчилик мутахассисларни қизиқтириб келмоқда. Шунинг учун ҳам антик ва илк ўрта асрлар даври археология манбалари асосида тарихий жараёнларни тиклаш хусусиятларини ўрганиш мақсад қилиб олинди.

Бухоро воҳасининг антик даври ҳақида маълумотлар етарлича ҳисобланади. Сабаби, антик давр худудда анча фаол кечган. Бу даврда Бухоро Марказий Осиёнинг йирик маданий-тарихий вилоятларидан бири Сўғд таркибида бўлган.

Сўғд худуди Самарқанд Сўғди, Кеш-Нахшаб Сўғди ва Бухоро Сўғди каби 3 та тарихий-географик худудни бирлаштирган бўлган. Айрим тадқиқотчилар Сўғд худудини Ўрта Осиёнинг юраги деб тақидлашади[1]. Антик давр Сўғд худуди чегараси бўйича далиллар бир мунча баҳсли бўлиб, мунозаралар ҳалигача давом этиб келмоқда. Антик даврда Зарафшон тоғ тизмалари Самарқанд ва Кеш-Нахшаб ўртасини, Карманадан кейин Малик чўли эса Самарқанд ва Бухоро худудларини ажратиб турган. Сўғдиёнинг ғарбий чегаралари Бухоро воҳасининг ғарбий қисмларигача чўзилган. Антик давр юнон-рим тарихчиларининг асарларида Бухоро воҳаси ҳақидаги маълумотлар кам учрагани туфайли, воҳанинг антик давр тарихини археологик манбалар асосида ўрганиш воҳа тарихини аниқ ва равшан ёритишда муҳим аҳамият касб эта бошлайди.

Археологик тадқиқотлар асосида ўлкада антик дарига оид турли вазифаларни бажарган археологик ёдгорликларнинг аниқланиши, воҳанинг антик даврини қайта тиклашга катта ёрдам берди. Бухоро воҳасининг антик давр археологик ёдгорликларини бажарган вазифасига қараб икки гуруҳга бўлишимиз мумкин. Булар, ўз даври тарихи ва маданиятидан улкан хабар берувчи йирик шаҳарлар, ҳамда асосан деҳқончилик ва чорвачилик билан кун кечирган аҳоли истиқомат қилган қишлоқ типигаги манзилгоҳлар ҳисобланади. Йирик шаҳар марказларининг асосийлари Пойкент, Варахша, Ромуштепа, Вардонзе каби шаҳарлар бўлса, қишлоқ типигаги манзилгоҳларга Қизилқир, Норттепа, Арабон-1, Арабон-2, Хўжабўстон, Бештепа, Сеталоқ каби манзилгоҳларини киритишимиз мумкин.

Бухоро савдо йўллари ёқасида жойлашганлиги сабабли, воҳа аҳолиси жаҳон савдо-сотик муносабатларида муҳим аҳамият касб этган. Савдо йўллари ёқасида Бухоро воҳасинингнинг йирик шаҳарлари, муҳим қишлоқлари ва маҳаллалари пайдо бўла бошлайди. Савдо-сотикнинг ривожланиши натижасида Бухоро воҳасида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт гуллаб яшнади, шаҳарсозлик маданияти юксак ривожланади.

Милодий V-VII асрларда Ўрта Осиёда вужудга келган мураккаб ижтимоий-сиёсий вазият, шаҳар ва қишлоқларнинг ташқи қиёфаси, аҳолининг турмуш тарзи аҳолига жиддий таъсир кўрсатди. Бу даврдаги кўчманчилар босқини натижасида Бухоро воасининг жуда катта деҳқончилик ҳудуди топталди, шаҳар ва қишлоқлар вайрон этилди. Дастлаб, Эфталийлар даврида сўнгра Турк хоқонлиги даврида иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт яна изига туша бошлади, деҳқончилик майдонлари кенгайиб суғориш тизимлари ривожланди. Деҳқончилик ривожланиши, хунармандчилик буюмларига бўлган эҳтиёжни ва савдо сотикни ривожланишига олиб келди. Бу жараён шаҳарларда алоҳида хунармандларнинг кўчалари вужудга келишига олиб келган. Бухоро ва Пойкентдаги археологик тадқиқотлардан билишимиз мумкинки илк ўрта аср шаҳарлари унчалик катта бўлмасда аҳоли анча гавжум яшаган. Шаҳарлар бу даврда арк, шахристон ва работ қисмлардан иборат бўлиб, ҳар бир қисм алоҳида деворлар билан ўралган. Лекин, 7 асрда Бухоро шаҳри 5 қисмдан иборат бўлган, уларнинг барчаси девор билан ўралиб, шаҳарни ўраб олган анҳор хандак вазифасини бажарган.

V-VI асрларда Ўрта Осиё ҳудудларида йирик шаҳарларга таянган давлатлар вужудга кела бошлайди. Буларнинг энг йириги Сўғд давлати ҳисобланган. Сабаби, V аср ўрталаридан Сўғд ҳудудида Хионийлар ҳукмдорлиги тугатилади ва кейинчалик Эфталийлар давлати таркибига киритилади. Сўғд Эфталийлар таркибига киритилсада мустақил сиёсат юриа бошлайди. Унга Самарқанд, Маймуғ, Иштихон, Кушония, Кеш, Нахшаб, Вардона ва Бухоро мулклари бирлашган эди[2].

Самарқанд, Бухоро, Кеш ва Нахшаб атрофлари тўла ўзлаштирилиб алоҳида-алоҳида деҳқончилик воҳалари шаклланади ва бу воҳаларда зодагон деҳқонларнинг сиёсий мавқеи ортиб илк ўрта асрларда деярли мустақил ҳокимликларга айланган. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳукмдорлари ўз танга пулларини зарб қилишган.

Бухоро воҳасининг илк ўрта асрлар (V- VIII асрлар) маданияти чуқур тарихий илдизларга эга. Бу давр ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва этномаданий дунёсининг таркиб топишида ўтроқ деҳқончилик маданияти анъаналарига асосланган жуда бой тарихий жараён ётадики, унинг илдизлари бронза даврига бориб тақалади. Бухоро воҳаси илк ўрта асрлар маданиятини ташкил топишига қадар бу замин бағрида таркиб топган қадимги суғорма деҳқончилик маданияти мунтазам ривожланиш босқичларини босиб ўтди. Яъни, бронза даврининг қадимги деҳқончилик маданияти билан шуғулланган ўтроқ аҳолиси изсиз йўқолмади. Илк ўрта асрлар даври Бухоро воҳасининг Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларидаги археологик комплекслар билан кўп ўхшашлик томонлари бор ва улар билан бир маданий оламни ташкил этади. Аммо, таъкидлаш лозимки, қадимги Фарғона илк ўрта асрларгача ўз географик жойлашувига кўра, баъзи бир умумтарихий жараёнлардан четда қолган. Буларнинг барчаси Бухоро воҳасининг ривожланишида илк ўрта асрлардан эътиборан янги тарихий давр бошланганидан далолат беради.

Бухоро воҳаси илк ўрта асрларда географик жойлашувига кўра Шарқ билан Ғарб мамлакатларини боғловчи савдо-иқтисодий ва маданий кўприк вазифасини бажариб келди. Шунинг билан бирга асрлар оша тарихий тараққиёт давомида водий ўзига хос ўринга эга бўлиб, юксак деҳқончилик маданияти, ривожланган хунармандчилик ва савдо-сотик марказларидан бири бўлиб қолди. Аммо, илк ўрта асрлар даври айрим сабабларга кўра тадқиқотчилар диққат эътиборидан четда қолди. Бухоро воҳаси илк ўрта асрлар даври маданияти ва тарихи бошқа тарихий ўлкаларга нисбатан кам тадқиқ этилган. Бунинг сабабларини қуйидагича эътироф этишимиз мумкин:

Биринчидан, V-VIII асрларга тааллуқли маданий қатламлар кейинги даврнинг қалин қолдиқлари остида қолиб кетган ёки бузилган ва шу боис улар археологик материал сифатида қайд этилган эди, холос. Буни натижасида илк ўрта асрлар археологик комплексларига аҳамият берилмади. Фақат Варахша ва Пойкентда ўрганилаётган даврни иккинчи босқичи (VII-VIII асрлар) материаллари қисман эълон этилди.

Иккинчидан, археология ёдгорликларини рўйхатга олиш ва улар мажмуасини яратиш учун олиб борилган ишларда олинган маълумотларга эса, бу тарихий даврни ўрганиш учун

етарли эмас деб ҳисобланиб, улар эътибордан четда қолди. Илк ўрта асрлар даври ёдгорликлари махсус тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилинмади. Тўғри, улар айрим олинган ҳудудий доирада барча давр ёдгорликлари қаторида ўрганилган.

Натижада Бухоро воҳаси V-VIII асрлар археологик комплексларининг стратиграфик ва хронологик тахлили яратилмади. Бу давр кулолчилиги ва бошқа моддий маданият ашёлари тўғрисида яхлит тадқиқот ҳозиргача амалга оширилгани йўқ. Айниқса, V-VI асрлар комплекси шу вақтгача водий археологик ёдгорликларида жуда ҳам оз миқдорда қайд этилган ва мақсадли равишда ўрганилмаган. Хуллас, ўрганилаётган давр комплексларининг моддий маданияти тарихидаги роли ва ўрни очиб берилмаган эди.

Хулоса. Юқорида келтирилган мулоҳазалардан келиб чиқиб, таъкидлаш лозимки, қадимги Бухоро воҳасининг илк ўрта асрлар даври тарихини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири. Бундан ташқари ушбу муаммонинг ечими ҳозирги кунда тарих фанида муҳим бўлган мавзу - ўзбек халқининг келиб чиқишини ва уни давлатчилик шакллари ўрганишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ушбу жараёнлар сўғдшуносликда ҳозиргача яхлит ўрганилмаган, деярли барча материаллар бир ерга жамланиб тадқиқот манбаси сифатида таҳлил этилмаган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Frye R.N. Islamic sources for the Pre-Islamic History of Central Asia. -In: Prolegomena to the sources on the history of Pre-Islamic Central Asia. -Budapest, 1979.
2. Мирзакулов Б. Бухоро тарих зарфарақларида. –Тошкент, 2016. -Б.18-19.
3. Зимин Л.А. Развалины Старого Пайкента/Протокол заседания и сообщения членов Туркестанского кружка любителей археологии год восемнадцатый (11 декабр 1912г.—11 декабр 1913 г.) Протокол № 4, 30 апрел 1913 г. -Ташкент, 1913а.-С.87.
4. Якубовский А. Ю. Зарафшанская археологическая экспедиция 1939 г. Краткие сообщения о докладах и полевых исследованиях института истории материальной культуры. Вып. IV. Издательство Академик Наук СССР. -М.-Л. 1940. -С.51-66.
5. Шишкин В.А. Археологические работ. 1937 года в западной части Бухарского оазиса. Тошкент, 1940.; Шишкин. В.А. Варахша. -М., 1963.

УЎК 904

УСМОН ЮСУПОВНИНГ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДАГИ СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ

А.Ў.Панжиев, ўқитувчи, Қариш Давлат Университети, Қариш

Аннотация. Ушбу мақолада Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон ССР раҳбари Усмон Юсупов фаолияти қўшган ёритиб берилган.

Калим сўзлар: Иккинчи жаҳон уруши, Ўзбекистон ҳукумати, фронт, давлат раҳбари, фашизм, партия, саноат, эвакуация

Аннотация. Данная статья проливает свет на деятельность Усмана Юсупова, руководителя Узбекской ССР в годы Второй мировой войны.

Ключевые слова: Вторая мировая война, правительство Узбекистана, фронт, глава государства, фашизм, партия, промышленность, эвакуация

Abstract. This article sheds light on the activities of Usman Yusupov, the leader of the Uzbek SSR during the Second World War

Key words: The Second World War, the government of Uzbekistan, the front, the head of state, fascism, the party, industry, evacuation

Иккинчи жаҳон уруши йиллари Ўзбекистон ССРда сиёсий фаолиятни бошқаришда муҳим рол ўйнаган раҳбарлардан бири Усмон Юсуповдир. Унинг раҳбарлиги даврида Ўзбекистонда муҳим сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий тадбирларни амалга оширди. Иккинчи жаҳон уруши қийинчиликлари ва унинг бошқарув даври зиддиятлари билан кечди. Шубҳасиз, Усмон Юсупов Ўз даврининг совет тузумининг маҳсули эди.

Усмон Юсупов 1900 йил Фарғона вилояти Каптархона қишлоғида оддий деҳқон оиласида дунёга келди. Ота-онаси уни халифа Усмондек ақлли бўлсин деб Усмон исмини

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ
МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

**№9/3 (106)
2023 й., сентябрь**

| | |
|--------------------------|------------------------------|
| Ўзбекча матн муҳаррири: | Рўзметов Дилшод |
| Русча матн муҳаррири: | Ҳасанов Шодлик |
| Инглизча матн муҳаррири: | Мадаминов Руслан, Ламерс Жон |
| Мусахҳих: | Ўрозбоев Абдулла |
| Техник муҳаррир: | Шомуродов Журъат |

“Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси” Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
Хоразм вилоят бошқармасида рўйхатдан ўтган. Гувоҳнома № 13-023

Теришга берилди: 07.09.2023
Босишга рухсат этилди: 14.09.2023.
Қоғоз бичими: 60x84 1/8. Адади 70.
Ҳажми 8,75 б.т. Буюртма: № 10-Т

Хоразм Маъмун академияси ноширлик бўлими
220900, Хива, Марказ-1
Тел/факс: (0 362) 226-20-28
E-mail: mamun-axborotnoma@academy.uz
xma_axborotnomasi@mail.ru



(+998) 97-458-28-18